

## I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йил январь-март ойларида Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 23704,9 млрд. сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 109,3 фоизга тенг бўлди.

### Январь-март ойлари учун иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш

	млрд. сўм		2020 йил январь-маргга нисбатан фоиз ҳисобида
	2020 йил	2021 йил	

<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>19613,3</b>	<b>23704,9</b>	<b>109,3</b>
---------------------------------------	----------------	----------------	--------------

шу жумладан:

Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	17466,4	20828,0	109,1
-------------------------------------	---------	---------	-------

Маҳсулотларга соғ солиқлар	2146,9	2876,9	110,2
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>17466,4</b>	<b>20828,0</b>	<b>109,1</b>

Саноат (курилишни қўшган ҳолда)	8086,9	9489,5	110,7
Саноат	6482,0	7412,1	110,1

Қурилиш	1604,9	2077,4	113,3
Хизматлар	9379,5	11338,5	107,7

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2897,3	3579,3	105,9
Ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа	2270,4	2672,5	109,2


Бошқа хизмат тармоқлари

4211,8

5086,7

108,2

**ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, фоизда  
(2021 йил январь-март ойларида)**



Тошкент шаҳри иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат ишлаб чиқариш индекси – 110,1 % ни ташкил этиб (ЯҲМ таркибидаги улуши 35,6 %), қурилиш – 113,3 % (10,0 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 105,9 % (17,2 %), ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 109,2 % (12,8 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 108,2 % (24,4 %) ни ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби**  
(жамига нисбатан фоизда)

**2020 йил январь-март**




**2021 йил январь-март**



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва саклаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

2021 йил январь-март ойлари давомида Тошкент шахри бўйича савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ялпи худудий маҳсулот таркибидаги улуси 17,2 % ни (2020 йил январь-мартда 16,6 %), ташиш ва саклаш, ахборот ва алоқа соҳасида ялпи худудий маҳсулот таркибидаги улуси 12,8% ни (13,0 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар соҳасида ялпи худудий маҳсулот таркибидаги 24,4 % ни ( 24,1 %) ташкил этди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби,  
(жамига нисбатан фоизда)**




Тошкент шаҳри иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 87,9 % ни, маҳсулотларга соғ соликлар эса 12,1 % ни ташкил этди.

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғи ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 45,6 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таркибидаги улуши эса 54,4 % ни ташкил этди.

2021 йил январь-март ойлари давомида дастлабки маълумотларга кўра ялпи худудий маҳсулот аҳоли жон бошига 8762,4 минг сўмни ташкил этиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,1 % га ўсган. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида йирик корхоналар иқтисодий фаолияти жадаллашиши оқибатида ЯҲМда кичик бизнеснинг улуши 46,2 % ни ташкил қилди.

#### **Ялпи худудий маҳсулотда кичик бизнес улуши**

(январь-март ойлари, жамига нисбатан улуши)



Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Тошкент шаҳрининг кўшган хиссаси 18,4 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,0 пунктга ўсганин.

#### **Ялпи ички маҳсулотда Тошкент шаҳрининг улуши, фоизда**

